

**Ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантиришда ҳаёт маъноси
муаммосининг аҳамияти.**

Инсоният тарихида яшаб ўтган барча тарихий шахсларнинг авлодлар томонидан ёдга олинишининг бошланғич асоси – уларнинг жамиятга ва умуман, инсонларга нисбатан ахлоқсизлиги ёки юксак ахлоқийлик принципларига йўғирилган хатти-харакатлари натижасидир. Инсон онгли мавжудот сифатида ҳаётда ўз олдига маълум мақсадлар қўйиб яшайди, бу мақсадлар келажақда яшашининг мазмуни, бошқача айтганда ҳаётининг маъносига айланиб боради.

“Фалсафа”, “Ахлоқшунослик” фани ўрганувчи муаммолар, категориялар доирасида ҳаёт маъноси, яшашдан мақсад, инсон тақдири ва вазифаси, киши Ҳаётининг мураккаблиги борасидаги масала марказий ўринлардан бирининг эгаллайди. Ҳаёт маъноси муаммоси-бу, инсон ҳаёт фаолиятининг умумий йўналиши ҳамда унинг ўз олдига қўядиган асосий вазифа тўғрисидаги масаладир. Ҳаёт бемаъни бўлмаслиги учун нима қилмоқ, қандай яшамоқ керак деган саволга жавоб излаш ҳар бир кишининг диққат марказида бўлиб келган, ахир киши ниманидир ўзгартириши учун ва шу билан биргаликда ўзини бундай ўзгартиришга қобил шахс сифатида қарор топдириши учун дунёга келган.

Ҳаёт маъноси ва яшашдан мақсад, гарчи бир-бири билан мустахкам боғланган бўлсада, лекин улар бир хил маъноли тушунчалар эмас, чунки инсоннинг ҳаётида қандайдир эзгу мақсад амалга оширилмай қолганлиги билан ўз маъносини йўқотмайди. Ҳаётнинг маъноси-бу ҳаётнинг бутун бош йўлидирки, конкрет мақсадлар ана шунга боғлиқ бўлади, яъни мақсадларни белгилаб берадиган йўналишдир. Мақсад инсон онгида объектив дунёнинг ривожланиш таъмоийллари ва қонуниятларининг инъикосидир. У объектив воқеликнинг инсон амалий фаолияти натижасида унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира оловчи бўлажак ҳолати образидан иборатдир. Инсон ўз олдига ўзи мақсад қўяди, лекин мақсадлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки уларни инсоннинг турмуш шароитлари тақозо қилади. Ҳаётнинг маъноси унинг инсон онгидан катъий назар мавжуд бўла оладиган объектив мазмунидир. Агар мақсад инсон интиладиган нарсани кўрсатса, ҳаётнинг маъноси унинг буни нима учун қилишини эътироф этади. Ҳаётнинг маъноси ва ҳаётдан мақсад бир-бирига уйғунлашиб кетиши ёки бир-бирига зид келиши мумкин. Лекин қандай бўлишидан катъий назар улар диалектик бирликда мавжуддир.

Агар киши ўз олдига «мен бу дунёда кимман ва унга нима янгилик киритаман, уни нима билан бойитаман, менга ўтмишдаги ва ҳозирги барча авлодлар томонидан муҳайё қилинган ҳаёт шодликларини нима билан қайтараман» деган савол қўймаган бўлса, унинг ҳаётини бамаъни ҳаёт деб бўлмайди. Инсон ўзининг ижтимоий табиатига кўра амалий мавжудотдир, демакки, у ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди, аммо бусиз

у ҳайвонга айланади. Инсон ўз ҳаётининг оқилона асосини ва вазифасини, ўз камолотининг истиқболларини, бутун фаолиятини кўра билиши, англаши ва тушуниши керак. Агар мақсадни ошириш йўлида инсон бирор-бир ўтиб бўлмас тўсикка учраса, у ўз ҳаёти маъносидан маҳрум бўлмаслиги учун умумий ҳаётий йўлига мувофиқ келадиган бошқа олижаноб мақсадларни қўяди. Бундан кўзланган мақсадлар канчалик олижаноб, юксак бўлса ҳаётнинг маъноси шунчалик теран ва аҳамиятлироқ бўлади.

Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келадиган яқин, бевосита, «бир кунлик» мақсадлари бўлади. Бундай эҳтиёжлар кишида жуда кўп бўлганлигидан у эҳтиёжларни қондиришда мувофиқроғини танлайди, у кўпинча бир хил мақсадларга эришиш учун бошқаларини четга суриб қўяди. Одатдаги шароитда, бунда ҳеч қандай мақсад «Қурбон қилинмайди», чунки барча талаб ва эҳтиёжларни бирданига қондириб бўлмайди. Инсонда катта, узоқ мақсадлар бўладик, уларга эришиш учун бутун кишилик фаолияти қаратилади. Бу идеал мақсадлардир. Инсон ҳаётининг маъноси унинг айрим мақсадларининг аҳамиятлилиги билан эмас, балки бутун ҳаётидаги барча хатти-ҳаракатлари мақсадларининг умумий йўналиши билан белгиланади.

Хуллас, инсоний, мақсадларсиз-ўзига хос «олдиндан режалаштирилган вазифалар»сиз, истиқболсиз ҳаёт ўз қимматидан маҳрум бўлади, яъни инсоннинг яшаши бамаъни яшаш бўлмайди. Лекин шундай ҳам бўладик, баъзи «ҳаётий мақсад» шахсий ҳузур-ҳаловат, мансаб ва ҳоказолар доирасидан чиқмайди. Демак, «умуман» мақсадлар ҳақида гапириш ярамайди. Инсон нимага интилади ва у қандай йўлдан боради ёки бормоқчи ана шуни билиш муҳим. Бошқача қилиб айтганда, мақсад Ахлоқий ва ғайри Ахлоқий бўлиши мумкин. Ғайри Ахлоқий мақсадлар асло тўғри деб топилмайди ва уларнинг ўзлари ҳам ҳеч нарсани тўғри қилаолмайди. Бу нарса инсоннинг у ёки бу мақсадга эришишига ёрдам берадиган воситаларга ҳам тааллуқлидир. Ғайри Ахлоқий ёки тор худбинлик мақсадларига эришишга қаратилган ҳаракатлар бошқа кишиларга, бутун жамиятга зиён келтириши билан бирга кишини Ахлоқий жихатдан бузади. Мақсад бутун жамият билан боғлиқ бўлган тақдирдагина шахсий турмушга мазмун беради, унга юксак маъно бағишлайди.

Бироқ, инсон ҳаётининг маъноси фақат жамият бахт-саодатига эришишигагина боғлаб қўйиш ярамайди ҳаётнинг маъноси ўз-ўзига хизмат қилишда ҳам, шахсий бахтга эришишда ҳам намоён бўлади. Чунки, ахир жамият индивидлар ҳаётий фаолиятларининг формаси сифатида кишилар бахт-саодатига алоқаси бўлмаган «ўз» бахт-саодатига эга эмаску. Жамият бахт-саодати-олий мақсад, индивидлар бахт-саодати эса пировард мақсад. Албатта, муҳтожлик ҳаётнинг тўлақонлилигига тўсқинлик қилади, кишиларга ҳам жисмоний, ҳам маънавий зиён келтиради. Ҳаётнинг моддийтаъминоти, шак-шубҳасиз, унинг яшаш негизини ташкил этса ҳам бари бир бу унинг мазмуни ҳам, жозибадор қудрати ҳам эмас.